

O'zbekiston ovozi

Шу азиз ватан — барчамизники

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOYIY GAZETASI □ 2000 YIL 30 SENTABR SHANBA № 115 (26.665)

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

МУХТАРАМ ДУСТЛАР!

Авало, дунёдаги энг шарафли касб эгалари бўлган сиз азизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни билан чин қалбимдан табриклаб, эзгу тилакларимни изҳор этишдан гоаят бахтиёрман.

Сиз, қалби дарё устозлар жондан азиз фарзандларимизга нафақат билим ва тарбия, балки ҳаётнинг қадри, умрнинг маъно-мазмунини англаш, инсоний меҳроқибат каби олижаноб фазилатлардан ҳам сабоқ берасиз.

Шу боис ҳам ўқитувчи деганда, ҳар бир инсон беҳтиёр ўзининг беғубор болалигини, жўшқин ёшлик даврини, орзуларга тўла мактаб йилларини, муаллим ва мураббийларини соғинч ва ҳурмат-эҳтиром туй-

ғулари билан эсга олади.

Инсон қалби ва онги учун кураш бораётган ҳозирги мураккаб замонда сиз каби заҳматқаш зотлар зиммасига юксак маънавиятли, эркин фикрли, истиқлол ғояларига фидойи, ватанпарвар ёшларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юклатилган.

Чунки биз бой тарихимизни чуқур биладиган, маданий меросимиз ва миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қарайдиган, билим, ақл-заковат жиҳатидан дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни тарбияламай туриб ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша олмаемиз.

Шу маънода, Ватанимиз равақли, жамиятимизнинг ёруғ келажиги, аввало сиз, мухтарам устозларнинг машаққатли меҳнатингизга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши

тушунамиз ва юксак қадрлаймиз.

Қадри устоз ва мураббийлар!

Мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислоҳ қилиш, янги-янги илм масканлари қуриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчил давом этмоқда. Шубҳа йўқки, биз ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-этиборини янада ошириш, ёшларимизнинг биздан кўра билимли, кучли ва албатта бахтли бўлишлари учун бундан кейин ҳам ҳеч нарсани аймаймиз.

Сизларни қутлуг байрам билан яна бир қара муборакбод этаман. Барчангизга бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик, эзгу ва шарафли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Илмом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ҳар қандай давлатнинг бугуни ва келажиги, буюклиги ва қудрати, маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Президентимиз Илмом Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун натижаси ўлароқ бу борада туб ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Сир эмаски, таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан муаллимларга боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг байрам муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табриқда таъкидланганидек, инсон қалби ва онги учун кураш бораётган ҳозирги мураккаб замонда ўқитувчилар ва мураббийлар каби заҳматқаш зотлар зиммасига юксак маънавиятли, эркин фикрли, истиқлол ғояларига фидойи, ватанпарвар ёшларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юклатилган.

Мамлакатимизда Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Анъанага мувофиқ ушбу сана арафасида таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга, ёш авлод онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга, уларни Ватан келажиги ва Истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўишдан маърифат фидойиларининг бир гуруҳи мамлакатимизнинг юксак унвонлари ва нишонлари билан тақдирланади. Демакки, таълим-тарбия жонқурлари ҳам-

СИЗГА ТАЪЗИМ, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

ша эл назарида, давлатимиз эътиборида.

Пойтахтимиздаги мухташам «Туркистон» саройида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларнинг илгор ўқитувчилари, мураббийлар ва устозлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Илмом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табриқини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўқиб эшиттирди.

Республика «2000 йил ўқитувчиси» кўрик-танловини, Тошкентнинг Юнусов туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ганиева, Шаҳрисабз шаҳри Амир Темур номидаги лицей ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Гулҳаё Эргашева ҳамда бошқалар йиғилишда сўзга чиқиб, ўқитувчилар ва мураббийлар тўғрисидаги ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Тантанали кеча таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочиларнинг катта байрам концерти билан аяқуланди.

■ (ЎЗА)

БУ ДУНИНГ ИШЛАРИ

Япония ҳукумати Россия ва Хитойнинг норозилигига қарамай, АҚШ билан ҳамкорликда ракета ҳужумига қарши минтақавий мудофаа тизimini яратиш бўйича тадқиқот ўтказди. Қўнчиқар мамлакатаи бош вазири Иосиро Мори парламентда сўзга чиқиб, шундай деди. Унинг таъкидлашича, ракета ҳужумига қарши мудофаа тизими Японияни кўчаларидан ракеталар ҳужумидан ҳимоя қиладиган ягона воситадир.

Югославияда ярим миллионга яқин намоишчи демократик муҳолифат вакили, президентлик номзод Воислав Коштуница галабасини қўллаб-қувватлаб Белград кўчаларига чиқди. Муҳолифатчилар ўз йўлбошчиси сайловда галаба қилганини таъкидламоқда. Мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам В.Коштуница тарафдорларининг намоишлари ўтказилди.

Индонезиянинг собиқ устидан икки йилдан бундан давом этаётган суд жараёни тўхтади. Жакарта суди собиқ раҳбарнинг оғир ҳасаллигини инобатга олиб, шундай қарорга келди. Суҳарто 570 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағни ўлаштирганликда айбланаётган эди.

БМТга аъзо давлатларнинг аскарияти Хавфсизлик кенгашини ислоҳ қилиш керак, деган фикрда. Япониянинг БМТдаги вакили Юкио Сато Нью-Йоркда матбуот анжумани ўтказиб, шуни маълум қилди. Унинг таъкидлашича, Хавфсизлик кенгашида ислохот ўтказишни БМТга аъзо 189 давлатнинг 155 таси ёқлаб чиққан.

Жафна ярим ороли шимолдаги Шри-Ланка ҳукумат қўшинлари билан тамил айирмачилари ўртасида қаттиқ жанг давом этмоқда. Шри-Ланка мудофаа вазиригидан маълум қилинишича, кўни кеча бўлиб ўтган жангда саксондан зиёд жангари ўлдирилган. Ҳукумат қўшинлари эса 30 аскарини йўқотган.

Индонезиянинг Макасар шаҳридаги электроника маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконда кучли ёнғин содир бўлди. Оқибатда ўн уч киши тирикчилик ёниб кетди. Хабарда айтилишича, қурбонлар орасида тўрт нафар ёш бола бор.

Францияда ишлаб чиқарилган янги «Пежо-106» русумли электромобил ўзига хос рекорд ўрнатди. У Ла-Рошел шаҳридан Пуат шаҳригача бўлган 208 километрлик йўлни қўшимча электр қувватисиз босиб ўтди. Бу аввалги кўрсаткичлардан икки баробар кўндр.

АҚШ Мудофаа вазиригидан америкалик ҳарбий хизматчилар орасида кимёвий усулда тайёрланган наркотик моддалар истеъмоли авж олаётганидан ташвиш билдириди. Аҳоли шундай давом этаверса ва унга қарши кескин чоралар қўрилмаса, АҚШ армиясида катта муаммо пайдо бўлиши мумкин, дейлади Пентагон тарқатган хабарда.

Британиялик олимлар жамоатчилиги орасида катта шов-шув келтириб чиқарилган ҳисобот эълон қилди. Унда айтилишича, яқин орада ҳайвонлар устидан олиб борилаётган генетик тажрибалар натижасида оғрикни сезмайдиган ва умуман, ҳеч қандай ҳиссиётга эга бўлмаган ҳайвон насли яратилади.

■ (ЎЗА)

ДУНЁДАГИ ЖАМИКИ ЭЗГУЛИКЛАРНИНГ УСТОЗИ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАРДИР!



■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Қ.Ғ.ҒУЛОМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОҒАА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қодир Ғафурович Ғуломов Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тайинланган ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари — Қуролли Кучлар Академиясининг бошлиғи вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2000 йил 29 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ю.Н.АГЗАМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОҒАА ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Юрий Набиевич Агзамов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2000 йил 29 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Т.Й.ҚОСИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОҒАА ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР БИРЛАШГАН ШТАБИНИНГ БОШЛИГИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тўлқин Йўлдошевич Қосимов Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг бошлиғи этиб тайинланган ва шу муносабат билан у мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Шарқий ҳарбий округ қўшинларининг қўмондони вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2000 йил 29 сентябрь

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши тақлифига биноан, меҳмон бўлиб турган Хитой Коммунистик партияси Марказий Кўмитаси делегацияси 27 сентябрь кўни ХДП Марказий Кенгашида қабул қилинди. 5 кишидан иборат ушбу делегацияга ХКП Марказий Кўмитаси Халқаро алоқалар департаменти раҳбари ўринбосари Цай У раҳбарлик қилмоқда.

Ушбу ташрифдан мақсад — Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича фикр алмашиш партиялараро, хусусан, Ўзбекистон ХДП ва ХКП ўртасидаги, алоқаларни мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолзев Хитой Компартияси Марказий Кўмитаси делегациясининг маъмур ташрифи ҳар икки партия ўртасидаги алоқалар

ривожини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Биринчи котиб, суҳбат давомида, янги минг йиллик арафаси ва унинг дастлабки босқичи ҳар икки давлатлар, уларнинг халқлар ўртасидаги аънавий яхши қўшничилик муносабатлари, иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришни тақозо этибгина қолмай, балки, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши баҳамжиҳатликда курашишни ҳам ҳаётий заруриятга айлантормоқда, деди. Бу борада буюқ Хитой давлати мустақил Ўзбекистон учун ишончли ва таъсирчан шерик эканлигини томонлар эътироф қилишди.

Ўзаро дўстона вазиятда ўтган учрашув чоғида, меҳмонларга, мамлакатимизда, Президент И.А.Каримов раҳбарлигида, олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-сиёсий соҳалардаги кенг қамровли ислохотлар хусусида атрофлича

сўзлаб берилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва унинг республика парламентидаги фракциясининг юрти-мизда рўй бераётган туб ўзгаришларда тугган ўрни алоҳида эканлигига ҳам тўхталиб ўтилди.

Суҳбатда, шунингдек, ХДП ва ХКП ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама этилди, улар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

ХКП Марказий Кўмитаси делегацияси, ташриф давомида, жумладан, пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканлари ва қатор вилоятлар, давлат ҳокимияти идоралари, илмий муассаса, ўқув юрталарида ҳам бўлади, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашади.

Учрашувда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ли Цзинсянь иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК СИЁСИЙ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИДА

26 сентябрь кўни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод қўриштиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта-банк» бошқаруви раиси Жамшед Бадридинович Сайфилинов 189-Сўх сайлов округида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

ҚЎШМА КОРХОНА ҚАД РОСТЛАЙДИ

«Садо» ҳиссадорлик жамияти Шаҳрисабздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири сифатида эътироф этилади. Мазкур жамият жамоаси яқинда Туркиянинг «Бурсел» ва Япониянинг «Мицубиси корпорейшн» компаниялари билан ҳамкорликда «Оқсарой — Тўқимачи — ЛТД» қўшма корхонаси қурилишини бошлаб юборди.

Лойиҳа қиймати 66 миллион АҚШ доллари тенг ушбу «Ўзбекистон — Туркия — Япония» қўшма корхонаси ишга тушгандан сўнг йилгига 4800 тонна юқори сифатли ип-калава, хом трикотаж полотноси каби экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, — деб хабар беради мухбиримиз Соҳибжон САЛИМОВ.

ЯНГИ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Халқимизда яхши бир анъана бор — у ҳам бўлса кексаларни эъозлаш, беморлар салооматлигидан хабардор бўлиш, уларнинг меҳнатини қадрлашдир. Шу мақсадда яқинда пойтахтимизнинг Сирғали тумани ҳокимияти ва ижтимоий таъминот бўлими ҳамкорлигида хайрли ишни бошлашди. Туманда яшовчи ёлғиз кексалар, пенсияонерлар ва ногиронларга хизмат кўрсатадиган «Меҳр-мурувват» маркази очилди.

Марказни ташкил этишдан мақсад, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудир Раҳима Газзетдинова, — қарамоғимиздаги 138 кишига яқиндан ёрдам беришдир. Бу ерда улар навбатма-навбат икки ҳафта давомида дам олади ва шифокор назоратида бўлиб, турли хил муолажалар олади. Уларга икки маҳал иссиқ овқат берилди, маданий-

маиший хизматлар кўрсатилади, хайрия кечалари, концертлар уюштирилади. Шу ўринда марказимиз бўлими хоналарини таъмирлашда, жиҳозлашда ўз саховатини аймай кўмаклашган «Новатор» ишлаб чиқариш биравшмаси, «Мебель» акционерлик жамияти, «Текмак» хусусий фирмаси, туман маҳалла хайрия жамғармасининг саҳийқалб, меҳридарё кишиларининг саховатини айтиб ўтмоқчиман. Уйлаيمانки, марказимиз миқозларига эл меҳр-муруватини асло аямайди.

■ Умид МАНСУРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

- «Ўзбекистон овози» — 220
- «Голос Узбекистана» — 121
- «Осиё бозори» — 174

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

КАТТАҚҮРҒОНДАН ТЎРТ ХАБАР ҚУВОНЧЛАР МАМЛАКАТИ

Каттақўрғондаги «Мойбулок» жамоа ҳужалигининг Бурган қишлоғида 422 ўринли янги мактаб биноси ишга туширилди. Қурилишга бюджет ҳисобидан 320 миллион сўм маблағ ажратилди. Болалар «Соғлом авлод йили»да янги мактаб, яъни қувончлар мамлакатига эга бўлиши. Шунингдек, тумандаги У. Юсупов номи жамоа ҳужалигининг Омонкалхат қишлоғидаги 47-урта мактаб биноси тўлиқ таъмирланди. Ушбу савобли ишга ҳам салкам 7 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Хар қандай шароитда ҳам мактаб учун вақт ва маблағ топишга ҳаракат қилаемиз, — дейди туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Камолитдин Мизомов.

«ҚОРАҚҮЛЧА»ЛИКЛАР ГАЛАБАСИ

«Қорақўлча» ширкат ҳўжалиги пахтакорларни туманда биринчи бўлиб давлат пахта сотиш йиллик режасини бажардилар. Қабул пунктларига 140 тонна олий навли пахта топширилди. Ҳосилдорлик гектаридан 30 центнерни ташкил этди. — Яна давлатга 70 тонна пахта топшириш мажбурияти олганмиз, — дейди ҳўжалик раиси Парда Аширбоев.

ФЛОЛЛАР ФИКРЛАШИБ ОЛИШДИ

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги долзарб вазифалардан келиб чиққан ҳолда тумандан амалга оширилиши лозим бўлган масалалар муҳокама этилди. Ингилишда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати М. Худобермаев маъруза қилди. Жумладан, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Амниятга тўғрисида»ги Фармони асосан жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, жазони ўташ жойларидан озод қилинган вояга етмаганларни ҳамда меҳнатга лаёқатсиз шахсларни оиласига қайтариш, ўқиш ёки ишга жойлаштириш бўйича махсус режа ишлаб чиқилганлигини айтиб ўтди. Ушбу Фармоннинг аҳамияти тўғрисида туман прокурори вазифини бажарувчи Муродулло Маъдиев сўзга чиқди.

ҚУЛАЙЛИК

Каттақўрғон туманида вилоят «Замин» банкнинг янги бўлими иш бошлади. Банк илк кунлардаёқ ўз мижозларига намунали хизмат кўрсата бошлади.

— Банкнинг бошқа банклардан фарқи шундаки, у ерга умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқига эга бўлган мулкдорларга узоқ муддатли ипотека кредитлари беради, — дейди банк бошқаруви раиси Сўҳроб Вафоев.

Фаррух ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Инсон табиатининг фарзанди эканлигини унутиб қўйиб, унга зўғум қила бошлар экан, табиат ҳам бу қилмишлари учун бора-бора ўлиши мўқаррар.

Табиатдан доимо олиш эмас, унга бериш ҳам керак. Унга меҳр-муруват, охири-оқибатда шафқат ҳам керак эканлигини эндиликда англаяемиз.

Куйи Чирчиқ туманидаги Навоий номи қишлоқ ҳўжалиги корпорацияси раиси Турсунхўжа Исқандаров билан шולי ўраётган, экиндан бўшган жойларда бирдангина ерга ишлов бераётган деҳқонлар далаларини кезар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўлдим. Ҳайриятки, деҳқоннинг ерга бўлган илҳоси орта бошлади. Эндиликда деҳқонга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгаргани, уларнинг моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-турилгани ер эгасининг ишонч-эътиқод туйғусини

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон ХДП МК даги учрашувдан сўнг меҳмонлар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Делегация аъзолари пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис кортини томоша қилар эканлар, ҳақиқатдан ҳам, Президент Исрол Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда спортга катта эътибор қаратилганлигига ишонч ҳосил қилдилар. Айниқса, спортнинг теннис тури бўйича ўтказилаётган «Ўзбекистон Президенти кубоғи» мусобақалари довури, Хитой Халқ Республикасида ҳам, машҳур эканлигини таъкидладилар.

«Интерконтинентал» меҳмонхонаси мажмуини томоша қила туриб, «Пойтахтингиз жуда ҳам тез суръатлар билан ўзгариб бораётганлигига амин бўлдим» — деди ХДП Марказий Қўмитаси делегациясининг раҳбари Цай

Ўзбекистон ХДП Китоб туман партия кенгаши «Соғлом авлод йили» муносабати билан тумандаги маҳаллаларда, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» мазмунда, давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказиб келмоқда. Бу тадбирларнинг уюшқоқлик билан ўтишида туман партия кенгаши ҳузуридаги «Ёшлар клуби» аъзолари ва «Соғлом авлод» жағмармаси туман бўлини маси мутасаддиларининг муносиб улуши бор.

Қарши шаҳридаги Самарқанд маҳалла ХДП худудий бошланч ташкилоти ташаббуси билан, «Маҳалланг — ота-онанг», «Маҳалла — тарбия ўчоғи» мазмунда, турли хил учрашувлар ўтказилмоқда. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ХДП аъзоси Али Рашидов бошичилигида ўтказилган, «Бода азиз, одоби ундан азиз», «Ойланг — бахти, маҳалланг — Ватанинг» каби, давра суҳбатлари кўпчиликти катта таассурот қолдирди.



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

У, ҳаяжонини яшира олмай. «Мен шахрингизда 1992 йилда меҳмон бўлганман, бироқ, пойтахтингиз бунчалар тез ўзгариб кетишини тасаввур қилмаган эдим» деб, сўзини давом эттирди, меҳмон.

Меҳмонлар, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласи муносабати билан яратилган, «Матонат» ёдгорлигини зиёрат қилдилар.

Хотира майдонидаги Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбар қўйилиб, 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши даврида ҳалок бўлганлар хотираси ёдга олинди.

Шу кун ХДП Марказий Қўмитаси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтига ташриф буюрдилар. Учрашувларда Академия ректори А.А.Азизхўжаев ва Институт директори Р.Ш.Сайфулин иштирок этдилар.

делегацияси ташрифининг иккинчи кун Олий Мажлисда, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг республика парламентидаги фракцияси аъзолари — Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Ш. Рашидова ва парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.М. Исмоилов билан учрашувдан, бошланди. Депутатлар меҳмонларга мамлакат парламентининг бугунги фаолияти ҳусусида атрафлича сўзлаб бердилар, шунингдек, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Делегация аъзолари Ўзбекистон ХДП Марказий Қўмитаси

республикамизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар раҳбарлари — «Фидокорлар» Миллий демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби А.С. Турсунов, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши раиси И.У. Гофуров ва «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши биринчи котиби Т.О. Даминовлар билан ҳам учрашувлари бўлиб ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида ХДП Марказий Қўмитаси делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейини зиёрат қилдилар ва «Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат ақциядорлик жамиятига ташриф буюрдилар.

29 сентябрь кун ХДП МК делегацияси Бухоро шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

килотлари ҳузурида тузилган, «Ёшлар клубининг бугунги фаолияти атрафлича таҳлил қилинди. Мажлис иштирокчилари, ёшлар клублари ишини жонлантириш ҳамда клуб фаолиятига ёшларни кўпроқ жалб этиш юзасидан, аниқ режаларни амалга оширишга келишиб олдилар.

Ўзбекистон ХДП Асака шаҳар кенгаши ташаббуси билан, шаҳар марказий касалхонасида, «Ёдном» кечаси ўтказилди. Тадбирда сўз олганлар, ушбу даргоҳда кўп йиллар самарали меҳнат қилган жонқуяр шифокорлар Н. Сулаймонов, Р. Эгамбердиев, М. Алибековлар тўғрисидаги ўзларининг илиқ хотираларини йилгиланлар билан ўртоқлашди. Кечода шаҳар жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари ва табиёт билим юрти талабалари ҳамда хотираланган шифокорларнинг оила аъзолари иштирок эттишди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП Марғилон шаҳар кенгаши ташаббуси билан, Марғилон қурилиш техникумида, «Бурхониддин ал-Марғиновийнинг илимий мероси» мазмунда, илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Машҳур оллома тариға кириш учун ариза берган эдилар. Кун кеча ушбу муассасада Халқ демократик партиясининг янги аъзоларига партия билетларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ХДП вилоят ва шаҳар кенгашларининг котиблари иштирок этишди.

Оқушбобоев туман партия кенгаши ҳузуридаги «Сийёсат» муноразаси клубининг навбатдаги йилги иштирокида ўтган ушбу тадбирда, асосан, матбуотнинг бугунги ҳаётда тутган ўрни

килотлари ҳузурида тузилган, «Ёшлар клубининг бугунги фаолияти атрафлича таҳлил қилинди. Мажлис иштирокчилари, ёшлар клублари ишини жонлантириш ҳамда клуб фаолиятига ёшларни кўпроқ жалб этиш юзасидан, аниқ режаларни амалга оширишга келишиб олдилар.

ШУ КУНЛАРДА

валлудининг 910 йиллигига бағишланган ушбу анжуманда олимлар, ҳуқуқшунослар ва адабиётшуносларнинг илмий-назорий маърузалари талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят ташкилотларининг, молиявий аҳволи яхшилош чора-тадбирларига қаратилган, кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда вилоят партия ташкилотларининг молиявий аҳволи атрафлича таҳлил қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Чортоқ тумани партия кенгаши ижроия бюросининг бўлиб ўтган йилги йиғилишида, туман кенгаши ҳамда ХДП бошланч таш-

Марғилон шаҳридаги «Оқуш» номи 24-болалар боғчасининг тарбиячи ва ишчи-хизматчиларидан 115 нафари ХДП сафла-

Чортоқ тумани партия кенгаши ижроия бюросининг бўлиб ўтган йилги йиғилишида, туман кенгаши ҳамда ХДП бошланч таш-

Чортоқ тумани партия кенгаши ижроия бюросининг бўлиб ўтган йилги йиғилишида, туман кенгаши ҳамда ХДП бошланч таш-

ДАШНОБОД АНОРЛАРИ



ЛУКМА

Хар куну тонга Мардон бобо сурув ҳайлаб кетаётганини кўраман.

— Куй-қўзидарингиз нечта? — сўраман у қишдан.

— Юздан зиёда.

— Жунининг ўзи қозонингизни мой қисса керак?

— Қайда... — елка қисса Мардон бобо.

— Қирққимда қанча жун оласиз?

— Уёғини билмадим. Анча йилдан буён тортиб кўрмаймиз.

— Нега?

— Кераксиз жунни ким ҳам тортади. Қўйлардан қирққан жунларни аалага ташлаб келамиз...

Мардон бобонинг бу гапи тўғри. Биз ҳам 20 та қўйни хар йили жунини қирқиб, аалага ташлаб келамиз. Умуман, ҳўжаликдаги фуқароларнинг барчаси минг-минглаб қўйларнинг жунини қирққан жойида — аалага ташлаб келишмади. Олиб келишганда ҳам, уни кўяга елириб, яна ховлисидаги чиқиндиларга қўшиб, аалага чиқариб ташлашади. Сабаби уни сотиб олаётган корхона йўқ, Инсон саломамлиги учун энг зарур кийим-беш, қиғиз, гилам, эптик, пайпоқ каби юзлаб номағиз турмушчилик, ҳаёт манбаи бўлган жуннинг бугунги харидори борми ўзи?

Бошқа жойларни билмадим-у, ёзда иссиқлик ҳарорати баъзан

ҚЎЙ ЖУНИГА ХАРИДОР БОРМИ?

60 даражага чиққан чўл жойлардаги деҳқонларга танаур каби қизибдиган кўча, пунока билан қопланган вагонлар эмас, утовлар керак. Утов — жундан тайёрланган кигизлар билан ўралган, сақин, роҳатбахш маскан дегани.

Қишда қор кечиб, шўр юваётган уша деҳқонга ҳам резина этигу сунъий кийимлар эмас, жун этигу, жун кийимлар керак. Қўй жаннат «мева»си бўлгандаек, унинг жуну ҳам жаннат «мева»си. Бу «мева»нинг таъмини билмаганлар соғлиғидан ҳам, бойлигидан ҳам айралади.

Қашқадарё вилоятининг қўнғана туманларида бу ноёб ҳолатни қайта ишлаб чиқараётган давр келмадишкан?

Ҳой, ишбилармон биродарлар, катта-кичи корхона эгалари, бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

Ўроқ САИД, Қашқадарё вилояти У. Юсупов тумани



БЕШ МИНГ ЙИЛЛИК МЎЪЖИЗА

Германия шимолдаги абадий музликлар билан қопланган Тирол тоғидан бундан 5300 йил илгари йилган одамнинг мурдаси топилди. Мурда қора қиммат баҳо мумга ўралган эди.

Потолоқ Эдуард Эгартер ва ҳамкасблари ушбу топилма устида илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мурданинг бўйи 161 метр, ояғлиги 40 килограмм бўлган экан. Тадқиқотчилар музлатилган мурдани 10 даража илмиқликда келтириш учун икки соат вақт сарфлади. Эриган мурда устида олиб борилган иланишлар шуни кўрсатдики, қадимий ақдоқлар уни абадий музлатиш санъатини жуда яхши билган экан.

Мурда махсус текширувдан ўтказилганда, унинг мутлақ соғлом бўлгани, фақат тиши баъзида оғриб тургани маълум бўлди. Энг қизиқ, мурданинг эркак ёки аёл жинсига мансублигини аниқлаш жуда қийин кечмоқда. Ҳозирча тадқиқотчилар унинг юз тузилиши, шунингдек ёнидан топилган таъминуючларни ўрганиб чиқиб, мурда эркак бўлган, деб тахмин қилинмоқда. Мамлакатдаги Инсбург университети олимлари эса топилганининг асрлар оша бус-бутун сақланганига асл сабаб унинг ҳеч бир жинста мансуб бўлмаганидандир демоқда.

Ҳозирча мурданинг ким бўлгани ва у қандай қилиб энг замонавий усулга яқин даражада музлатилгани сиригича қолмоқда.

ЙИҒЛОҚИ ЧАҚАЛОҚЛАР

Нидерландия илмий тадқиқот институти олимлари чекучи аёлларнинг фарзандлари умуман чекмайдиغانлигини қараганда ким маротаба кўпроқ йиғлашини аниқлади. Улар 3345 нафар бир ойликдан то олти ойликгача бўлган чақалоқлар ҳақида маълумот тўплади. Тадқиқотлардан маълум бўлдики, кашанга аёллар гўдакларининг 4,7 фоизи чекмайдиغان аёлларнинг гўдагига нисбатан бир кунда икки соатдан кўпроқ йиғлар экан. Боланинг йиғлоқлигига чекучи она томонидан ўтган руҳий омиллар сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

БИР КИЛОМЕТРГА 80 ПФЕННИГ

Германияда машинада босиб ўтилган йўлнинг ҳар бир километрга 80 пфенниг солиқ тўлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Бундан буён автомобиль эгалари давлат бюджетига аввалгига нисбатан 10 пфенниг кўп пул тўлайдиган бўлди. Мамлакат молия вазири Ханс Айхелнинг таъкидлашича, жорий этилган янги солиқ меъёри давлат бюджетига йилга 1,8 миллиард марка қўшимча маблағ тушишини таъминлайди. У етим болалар, ногирон ва ёрдамга муҳтож оилалар эътиёжи учун ишлатилади.

«MICROSOFT» ЕНГИЛМОҚДА

Дунёнинг энг бадавлат кишиси ҳисобланган Билл Гейтс инкироза юз тутди. Унга тегишли бўлган Microsoft корпорациясининг қимматбаҳо қорозлари қутлимганда у қийматини йўқотди. Натижада Билл Гейтс 22 миллиард доллар зарар кўрди.

Ҳозир АҚШда тўрт юздан ортиқ миллион аёллар бор. Уларнинг 46 нафари аёллардир. Бу бойвачаларнинг жами маблағи 12 триллион доллардан иборат бўлиб, у йилга йилга фозизга кўпайиб борапти. Компьютер техникаси ишлаб чиқарувчи Интел компанияси махсуслотларининг харидорлиги бўлиб бораётгани унинг ҳўжайини Гардон Моорени жуда бойитиб юборди. Унинг 15 миллиард долларлик жағмармаси қисса мuddатда 26 миллиардга етди. Натижада Г. Мооре миллиардерлар рўйхатида тўққизинчи ўриндан бешинчи ўринга кўтарилиб олди.

Худобер ҲАМИДОВ тайёрлади.

мамлакатимиз озиқ-овқат саноати ривожига муносиб улушини кўшмоқда.

инсон билан табиат «қелишиб» ишлашга тўғри келади. Энг асосийси бу борада ер узоқ мuddатлик асосида 500

ҳам шולי ортишга мослаштирилган машиналар, транспорт, тракторлар улкан тарозига олиб келган ҳосил-

ташиш.

— Урим-йиғимда қатнашаётган барча техникалар ўзимиздан, — дейди мамнуният билан Турсунхўжа ака. — Мавжуд 2438 гектар майдондаги ҳосилни 6 та «Кейс», 30 та «Енисей» маркали комбайнлар ўрмоқда, 30 дан ортиқ транспорт, тракторлар ва 20 та автомашиналар пешманеш хирмонга ташимокда.

РЕПОРТАЖ ШОЛИЗОРЛАР ШОВУЛЛАГАНДА

Навоий номи қишлоқ ҳўжалик корпорацияси шולי уруғчилиги ҳўжалиги сифатида ҳам мамлакатимизда донг таратмоқда. Утган йили Республикамаз шוליликлик ҳўжаликлари ўртача 28 центнердан олган бир пайтда, бу ерда гектаридан 58,8 центнердан шולי йиғиб олинган эди. Бу йил эса жами 14 минг тонна шולי ўриб-йиғиб олишга аҳд қилган деҳқонларнинг нияти янада улуг. Мухими, ўзбекининг яхши қўнларига хизматдамиз дейишмоқдалар.

ришда сув кўп талаб этилади. Сув «ичида» ёки қўллатиб-қўллатиб сўғорилмаса, экин ривожини суст бўлади. Бу борада сал эътиборсизлик эса атраф-муҳитга салбий таъсирини тезда кўрсатиши мумкин. Мана шу борада эса

та оилавий пудратчиларга бўлиб берилган. Ҳўжалик далаларини айланиб қабул пунктига келганимизда бир нарсга гувоҳ бўлдик. Худди чумоли ўз уясида донни ташиб, яна ризқ-рўз излаб ортага қайтгани каби бу ерда

ни ўлчатиб, хирмонга тўкиби яна комбайнлар томон шовшарди. Демак, шולי ўрими фақат биз бориб қўрган жойда эмас, тўрт-беш жойда ўриляпти. Уларнинг ҳам хаёлида деҳқонлар етиштирган ҳосилни тезроқ

миллион сўм соф фойда олган эди. Деҳқонларнинг ўртача ойлик даромади 70 минг сўмин ташкил этган.

— Баъзи жойларда айрим-лардан қишлоқ ҳўжалигида ислохотлар кетмаепти деган гап-сўзларни эшитиб қоламан, — дейди раис куйиниб. — Бунга бош сабаб ўзаро ўрталикдаги оддийгина шартномаларни мукамал тузмаслиқдир. Ёки оддий қилиб айтганда, ҳўжалик ва пудратчи ўртасидаги шартномаларнинг ўз вақтида бажарилишига барчаси боғлиқ. Деҳқон узоқни кўра билади. Унинг фақат кўра олиш йўлини тўсмаслик кифоя.

қилмоқда. (Хаттоки, бу йилги галла масмуида ён қўшни ҳўжаликлари далаларига ёрдамга чиққан комбайнлар 30 миллион сўм миқдорда ишлаб ҳам «келган».) Бу эса ортиқча маблағ ва харажатларга чек қўймоқда.

Қилинган ишлар, қилинажак режалар ижобат топган жойда, тажрибали раҳбар бош бўлган жамоада муаммо ва камчиликларга ўрин қолмайди. Биз қисман қаламга олган маъруз ҳўжаликнинг ўз «МТП»си, автосаройининг мавжудлиги бир жиҳатдан ишларни осон

қилмоқда. (Хаттоки, бу йилги галла масмуида ён қўшни ҳўжаликлари далаларига ёрдамга чиққан комбайнлар 30 миллион сўм миқдорда ишлаб ҳам «келган».) Бу эса ортиқча маблағ ва харажатларга чек қўймоқда.

Қилинган ишлар, қилинажак режалар ижобат топган жойда, тажрибали раҳбар бош бўлган жамоада муаммо ва камчиликларга ўрин қолмайди. Биз қисман қаламга олган маъруз ҳўжаликнинг ўз «МТП»си, автосаройининг мавжудлиги бир жиҳатдан ишларни осон

қилмоқда. (Хаттоки, бу йилги галла масмуида ён қўшни ҳўжаликлари далаларига ёрдамга чиққан комбайнлар 30 миллион сўм миқдорда ишлаб ҳам «келган».) Бу эса ортиқча маблағ ва харажатларга чек қўймоқда.

Маъмурон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

ПАЙШАБА 2

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома».

8.45 ТВ-маркет. 8.50 «Дунёни болаларга бағрайлик». Мусикий дастур.

9.30 «Аво-садо ҳақида эртак». Мультфильм. 9.20 ТВ-метео.

9.30 «Узлик». Бадий-публицистик курсатув.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.

10.30 Кундузи санас: «Еттинчи жин». Бадий фильм.

11.30 Ўзбекистон телерадиокорпорацияси камер оркестрининг концерт.

12.05 2000 йил — Соғлом авлод бўлишинг келажакимиз».

12.45 «Оталар чоҳонаси». Мусикий-дам олиш дастури.

13.45 ТВ-1 намойиш этакди: «Ушар».

14.10 У. Азим. «Алломшин қайтиши». Андижон вилоят драма театрининг спектакли.

15.50 Болалар учун. «Кичкинтойларнинг қирғини».

16.15 «Жаҳон». Публицистик курсатув.

17.30 «Аборот» (рус тилида).

18.00 Оқим эрталаки.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Аборот».

21.25 «Саянатиқ — саводим».

21.30 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р.Комиллов».

21.35 «Экспедиция». Телевизион премьераси. 19-кисм.

22.25 «Халқнинг қўли».

«Спорт» дастури.

22.45 Теннис бўйича «Фьючерс» Халқаро турнири. Ярим финал. Гулистон.

23.25 «Футбол шарҳи».

23.40 «Аборот».

00.15 «Сени излаб». Киска метражли телевизион бадий фильм. Гулистон.

00.50-00.55 «Ватан тимсоллари».

9.00 «Давр тоғи».

10.00 Курсатувлар дастури.

10.05 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт. «Уй вазибаси».

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.40 «Доктор Финли». Телевизион ўйин.

12.30 Мусикий лаҳзалар.

12.40 «Дилбарим».

13.00 Вильям Шекспир. «Отелло». Абор Хидоятномада Убаев давлат драма театрининг спектакли. 1-кисм.

14.00 Ёшлар ва маънавият.

14.15 «Олтин мерос».

15.30 Билым дастури.

16.00 «Аборот».

16.05 Мусикий лаҳзалар.

16.15 «Аёл зоти». Телевизион ўйин.

16.55 «Автосалтанат».

17.00 Мусикий лаҳзалар.

17.20 Мусикий лаҳзалар.

17.30 Курсатувлар дастури.

17.35 «Янги авлод» студияси. «Ким эгиччи, ким чакчи».

17.45 Мусикий лаҳзалар.

18.10 Мусикий лаҳзалар.

18.25 «Узбектефилм» намойиш этакди: «Жаҳон узра ўзбек байраги».

18.45 Мусикий лаҳзалар.

18.55 «Иқлим». Аборот дастури.

19.30 ТВ-анонс.

19.35 «Эрта сунган юлдузлар».

19.55 Мусикий лаҳзалар.

20.05 «Қишлоқдаги тенгдошлар».

20.25 21.00, 22.30 Ёшларлар.

20.30 «Аёл зоти». Телевизион ўйин. 5-кисм.

21.05 «Иқлим».

21.25 «Давр». Аборот дастури.

22.30 Мусикий лаҳзалар.

22.40 «Даллас». Телевизион спорт: Интерфутбол.

1.10 — 1.15 «Хайри тун».

17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00, 21.00, 23.00, 00.15 «Пойтахт». Аборот дастури.

18.25 «Осиёишхлик фидойилари».

18.40 «Экспресс» телегазета-си.

18.55, 20.30 «Табриқлаймиз, кўглаймиз».

19.45 ТТВда сериал: «Кора дур доналари».

21.25 «Спрут». Телевизион спорт: Оханглр ва ёшларлар.

23.30 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».

00.40 «Хайри тун, шаҳрим!».

РЖТ 6.30-8.00

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

15.00 Курсатувлар тартиби.

15.05 «Муҳаббат тарихи». Сериал.

15.45 «Клип-антракт».

15.55 «Бобил минораси». Сериал.

17.00 «Бугун оламда». Аборот дастури.

17.10 «Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари: «Бугунги Япония».

17.30 «Мультичархпалак».

17.50 «Мени кутти!».

18.40 «Жаддалтирилган ёрдам-2». Сериал.

19.15 «Кора хона: 21.00». Сериал.

19.50 Хайри тун, кичкинтойлар!

20.00 «Время».

20.40 «Бизнес-рево».

21.05 «Дил изири».

21.45 Шажар: «Шарк дурдонаси».

«Вести».

22.30 Кинематограф. «Жаёлараст инглиз аёли». Бадий фильм.

23.40 «Аборот» (рус тилида).

ПАЙШАБА 3

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Аборот».

8.35 ТВ-маркет.

8.40 Марказий газеталар шарҳи.

8.55 Ўзбек киноси ихдорларни.

9.15 «Кўёшли юрт кўйликлари».

9.30 «Аво-садо ҳақида эртак». Мультфильм.

9.40 «Оқ бўталок». Мультфильм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.

10.30 Кундузи санас: «Еттинчи жин». Бадий фильм.

11.30 Ўзбекистон телерадиокорпорацияси камер оркестрининг концерт.

12.05 2000 йил — Соғлом авлод бўлишинг келажакимиз».

12.45 «Оталар чоҳонаси». Мусикий-дам олиш дастури.

13.45 ТВ-1 намойиш этакди: «Ушар».

14.10 У. Азим. «Алломшин қайтиши». Андижон вилоят драма театрининг спектакли.

15.50 Болалар учун. «Кичкинтойларнинг қирғини».

16.15 «Жаҳон». Публицистик курсатув.

17.30 «Аборот» (рус тилида).

18.00 Оқим эрталаки.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Аборот».

21.25 «Саянатиқ — саводим».

21.30 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р.Комиллов».

21.35 «Экспедиция». Телевизион премьераси. 19-кисм.

22.25 «Халқнинг қўли».

«Спорт» дастури.

22.45 Теннис бўйича «Фьючерс» Халқаро турнири. Ярим финал. Гулистон.

23.25 «Футбол шарҳи».

23.40 «Аборот».

00.15 «Сени излаб». Киска метражли телевизион бадий фильм. Гулистон.

00.50-00.55 «Ватан тимсоллари».

9.00 «Давр тоғи».

10.00 Курсатувлар дастури.

10.05 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт. «Уй вазибаси».

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.40 «Доктор Финли». Телевизион ўйин.

12.30 Мусикий лаҳзалар.

12.40 «Дилбарим».

13.00 Вильям Шекспир. «Отелло». Абор Хидоятномада Убаев давлат драма театрининг спектакли. 1-кисм.

14.00 Ёшлар ва маънавият.

14.15 «Олтин мерос».

15.30 Билым дастури.

16.00 «Аборот».

16.05 Мусикий лаҳзалар.

16.15 «Аёл зоти». Телевизион ўйин.

16.55 «Автосалтанат».

17.00 Мусикий лаҳзалар.

17.20 Мусикий лаҳзалар.

17.30 Курсатувлар дастури.

17.35 «Янги авлод» студияси. «Ким эгиччи, ким чакчи».

17.45 Мусикий лаҳзалар.

18.10 Мусикий лаҳзалар.

18.25 «Узбектефилм» намойиш этакди: «Жаҳон узра ўзбек байраги».

18.45 Мусикий лаҳзалар.

18.55 «Иқлим». Аборот дастури.

19.30 ТВ-анонс.

19.35 «Эрта сунган юлдузлар».

19.55 Мусикий лаҳзалар.

20.05 «Қишлоқдаги тенгдошлар».

20.25 21.00, 22.30 Ёшларлар.

20.30 «Аёл зоти». Телевизион ўйин. 5-кисм.

21.05 «Иқлим».

21.25 «Давр». Аборот дастури.

22.30 Мусикий лаҳзалар.

22.40 «Даллас». Телевизион спорт: Интерфутбол.

1.10 — 1.15 «Хайри тун».

17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00, 21.00, 23.00, 00.15 «Пойтахт». Аборот дастури.

18.25 «Осиёишхлик фидойилари».

18.40 «Экспресс» телегазета-си.

18.55, 20.30 «Табриқлаймиз, кўглаймиз».

19.45 ТТВда сериал: «Кора дур доналари».

21.25 «Спрут». Телевизион спорт: Оханглр ва ёшларлар.

23.30 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».

00.40 «Хайри тун, шаҳрим!».

РЖТ 6.30-8.00

14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

15.00 Курсатувлар тартиби.

15.05 «Муҳаббат тарихи». Сериал.

15.45 «Клип-антракт».

15.55 «Бобил минораси». Сериал.

17.00 «Бугун оламда». Аборот дастури.

17.10 «Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари: «Бугунги Япония».

17.30 «Мультичархпалак».

17.50 «Мени кутти!».

18.40 «Жаддалтирилган ёрдам-2». Сериал.

19.15 «Кора хона: 21.00». Сериал.

19.50 Хайри тун, кичкинтойлар!

20.00 «Время».

20.40 «Бизнес-рево».

21.05 «Дил изири».

ПАЙШАБА 4

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Аборот».

8.35 ТВ-маркет.

8.40 Марказий газеталар шарҳи.

8.55 Ўзбек киноси ихдорларни.

9.15 «Кўёшли юрт кўйликлари».

9.30 «Аво-садо ҳақида эртак». Мультфильм.

9.40 «Оқ бўталок». Мультфильм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.

10.30 Кундузи санас: «Еттинчи жин». Бадий фильм.

11.30 Ўзбекистон телерадиокорпорацияси камер оркестрининг концерт.

12.05 2000 йил — Соғлом авлод бўлишинг келажакимиз».

12.45 «Оталар чоҳонаси». Мусикий-дам олиш дастури.

13.45 ТВ-1 намойиш этакди: «Ушар».

14.10 У. Азим. «Алломшин қайтиши». Андижон вилоят драма театрининг спектакли.

15.50 Болалар учун. «Кичкинтойларнинг қирғини».

16.15 «Жаҳон». Публицистик курсатув.

17.30 «Аборот» (рус тилида).

18.00 Оқим эрталаки.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Аборот».

21.25 «Саянатиқ — саводим».

21.30 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р.Комиллов».

21.35 «Экспедиция». Телевизион премьераси. 19-кисм.

22.25 «Халқнинг қўли».

«Спорт» дастури.

22.45 Теннис бўйича «Фьючерс» Халқаро турнири. Ярим финал. Гулистон.

23.25 «Футбол шарҳи».

23.40 «Аборот».

00.15 «Сени излаб». Киска метражли телевизион бадий фильм. Гулистон.

00.50-00.55 «Ватан тимсоллари».

9.00 «Давр тоғи».

10.00 Курсатувлар дастури.

10.05 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт. «Уй вазибаси».

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.40 «Доктор Финли». Телевизион ўйин.

12.30 Мусикий лаҳзалар.

12.40 «Дилбарим».

13.00 Вильям Шекспир. «Отелло». Абор Хидоятномада Убаев давлат драма театрининг спектакли. 1-кисм.

14.00 Ёшлар ва маънавият.

14.15 «Олтин мерос».

15.30 Билым дастури.

16.00 «Аборот».

16.05 Мусикий лаҳзалар.

16.15 «Аёл зоти». Телевизион ўйин.

16.55 «Автосалтанат».

17.00 Мусикий лаҳзалар.

17.20 Мусикий лаҳзалар.

17.30 Курсатувлар дастури.

17.35 «Янги авлод» студияси. «Ким эгиччи,

ЎЗБЕГИМ НОМИНИ УЛУГЛАБ

СПОРТ, СПОРТ

Ўзбек кураши халқаро мақом олганига кўп бўлгани йўқ. Зеро, қисқа даврда жаҳон айвонига эътироф этилиб, курашимизнинг жозибасию завқи миллионларни ром этди.

жамиятда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу юртимизда спортга, хусусан, курашга давлат аҳамияти берилаётганидан нишондир.

цияларининг тузилаётгани кураш янги аср спорти бўлиб қолишидан дарак бермоқда. Мана энди эртага Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида кураш бўйича қўлга киритилган барча ютуқларнинг халқаро эътирофи сифатида «Испом Каримов» турнири ўтказилади.

лалар, қизлар, ўсмирлар ва фахрийлар бор. Ўзбекистондан 6 нафар курашчининг иштирок этиши кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда, Британияда ўтказиладиган бу мусобақа ўзбегим номини улуғлашга хизмат қилади.

САБР ТАГИ ОЛТИН

Ун етти кундан бери лавуллаб турган олимпиада машғуласи эртага сўнади. Беш тугаш ҳаққа сурати акс этган оқ байроқ эса туширилади.

ана шундай юксак унвонга сазовор бўлди. Олимпиада бошлангандан бери Сиднейга умид билан боқаяётган юртдошларимиз кўнгли ҳам сув ичди-ёв.

қаторига олимпиада чемпиони номини ҳам қўшиб олса. Яна эшак эшувчи Антон Ряхов ҳам голиблик супасини кўзлаб турибди.

ЙИГИТЧАЛАР ТЎП СУРГАНДА

Назаримизда, мухлислар учун икки манзара бағоят гўзал бўлса керак. Улардан бири катта футбол бўлса, иккинчиси ўспиринларнинг тўп тепиши.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЯНА МАЙДОНДА

«Спорт», «Ўзбекистон футбол» газеталари ташаббуси билан журналистларнинг анъанавий мини-футбол мусобақаси ўтказилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

КАЛБ КИРРАЛАРИ

ЧОЛГУВЧИ

Афрон рубобининг моҳир чоғувчиси Ғуломқодир Эргашев билан танишганимизда у ўз сози ҳақида дарёдай

ри Ўзбекистондагина эмас, Америка ва катор давлатларда бу соҳага қизиқиб, миллий ўзбек ва шарқ мамлакатларининг куйини чалишмоқда.



тўқинлиниб сўзлади:

— Афрон рубобининг тарихи узоқ, Рубобнинг таниши тут дарахтидан ясалди... Шунинг учун ҳам афрон рубобининг садолари хилама-хил.

ўлас олтин мерос экан. У ерда Тўхтасин Жалиловнинг «Отмағай тонг» мақом ва шарқ тароналарини ижро қилганимизда, оғир мусиқага йиғиладиган, шўҳига эса ўйнашди.

Бугунги санъатимиз ҳақида нима дейсиз деганимизда у киши ҳаяжонлиниб кетди.

— Турғун Алиматов, Абдухотим Исмоилов, Қаҳрамон Дадаев ва Камолиддин Раҳимов, Юдуз Усмонова, Муъссар Раззоқова, Муножот Йўлчиева, Фаррух Зокиров каби санъаткорларимизнинг куй ва қўшиқларини нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё севиб тингламоқда.

Афрон рубобининг уста чоғувчиси, шу соҳа бўйича ўндан зиёд мақолаалар муаллифи, 40 йиллик меҳнати билан элга танилган Ғуломқодир Эргашев билан афрон рубоби ва бугунги санъатимиз, ёшлар ҳақида узоқ суҳбатлашдик.

Турсун АЛИ

БОШ МУҲАРРИР

Азим СУҲОН

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ

Қозоқбой ЙУЛДОШЕВ

Ислам ШОҒУЛОМОВ

Норбобо ШАКАРОВ

Алимкул СУЛТОНОВ

Андрей ОРЛОВ

Бахтиёр ҲАМИДОВ

Валерий ЛАБАРЕШНИХ

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сўбат ва ҳуқуқ — 133-44-55

Иқтисодиёт — 133-76-04

Маънавият — 133-07-20

Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16

Ахборот — 133-12-56

Котибиёт — 133-21-43

Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80

Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;

Бухорода — 23-51-40;

Гулистонда — 25-16-22;

Жиззахда — 3-29-44;

Навоида — 3-39-20;

Наманганда — 6-43-43;

Нукусда — 222-70-12;

Самарқанда — 35-20-54;

Тошкентда — 136-53-16;

Урачда — 226-51-35;

Фарғонада — 26-46-84;

Қаршида — 4-61-35;

Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи

Турсунали УРМОНОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастуричи

Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтти тартиб

№ 00004

Газета офсет усулида, А-2 форматда босылди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 702

Топшириш вақти -- 21.00.

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРҲДА

ЎГИТ

Набирам Камронбекка

Эл-юрт, ватанинг муқаддас билсанг, Қарғиш олмайсанг, олғайсан савоб. Азиз бошинга тош тегмасин десанг Ёвага ўз вақтида беролгин жавоб.

Ёмонлар гапидан ахтарса хато, Эзгулик боғидан излагилар шикон. Билгин, жоҳилларга қарши доимо Фақат маърифатни айлагил қалқон.

Билминг йўлида бўла олғай нур, Донога дўст бўлу меҳнатга ҳамдам.

Ўғитим тингласанг яшагайсан хур Утқинчи умрда чекмасдан алам.

Агарда тингласанг ўзгалар сўзин Фарқ этилди яхши-ю ёмонни фақат. Оқлагин туз берган халқининг тузин, Ҳар қандай хизматга қилолгин тоқат.

Синодир инсонга азил бу олам, Саодат ёр бўлсин сенга, эй болам!

УМРБОҚИЙ

РАЙХОНМИСИЗ, ЖАМБИЛМИСИЗ?

КИТОБ ПАЙРОВИ

Алишер ака: — Бу дейман жуда китобхон бўлиб кетибсиз, деб эшитдим. Қайси асарларни ўқигансиз-у, қай бирларини анди ўқийсиз? Сизга китоб танлашда ёрдам берай, деб узоқдан бўлса ҳам келдим-да, «Бобурнома»ни кўтариб.

Исмоил ака: — Менинг анчадан бери китобхонлигимни биласиз-у, яна ўзингизни билмасликка оласиз. У менинг ҳамроҳим, дўстим, маслакдошим. Сиз ҳам юрибсизда, кўринганга мактаниб: «Ўқиб китобини» тан оламан, холос деб.

Алишер ака: — Маслакхатингиз жуда яхшию, дўстим, китоб ўқийшинг ҳам вақти бор. Одам нукул китоб ўқийверса, ишни ким қилади? Ё сизга ўқшаб йироқда жураверайми «Фарғона тонг отгунча» уйга бормайман деб.

Исмоил ака: — Бекорларни айтибсиз, дўстим. Мен тайинли жойда меҳнат қиламан, деярли хар кун ишдан сўнг уйдаман. Бадиий китобларни ўқийшга ҳам вақт топаман. Бир кеча Фарғонада қолган бўлсам, нима қипти? Шу ёшга келиб «Дунёнинг ишлари»да қандай воқеалар рўй беришини ҳали ҳам билмайсизми?

Алишер ака: — Биламан, биламан, дўстим. Сиз мени кимларга ўқшатайсиз. Балки «Она тилини» ўқирсиз.

Исмоил ака: — Менга ҳали у, ҳали бу, деб, кўпма маломат қилаверманг. Хар ҳолда сиздан чаққонман. Ўзингиз «Гирдоб»га тушган чўпдек бир жойда ай-

ланганингиз айланган. Алишер ака: — Ҳа, қарилик-да қарилик. «Бировнинг айбига сен кулма зинҳор, сенинг айбига ҳам кулгувчилар бор», — дейишган. Қарилик бу айб эмас. Шундоқ бўлса ҳам бир амаллаб китоб ўқийман. Билингки, дўстим, ҳеч қачон «Олтин занглас».

Исмоил ака: — Қарисам ҳам асл китобхон зотиданман, депясиз шекилли. Ҳа, бугега ўзингизга хилола. Ўқийсизми-йўқми ишқилиб қаринган чоғингизда «Икки билак узук»ликлардан эҳтиёт бўлинг-да.

Алишер ака: — Мен-ку ўзимни тугиб олганман. Энди сиз эҳтиёт бўлинг. Хар ҳолда анча ёшсиз, енгил табиатсиз. Яна уйда бола-чақа дод солмасин «Сароб»ингдан ўргилдим деб.

Исмоил ака: — Сиз мавзунини бошқа ёққа бурманг, ака. Менинг ёшимга ярашмайди йўққа ошиқиш. Ҳозир китобхонлик қилайсизми, бошқа ёққа ўтламанг. «Пахлавон Маҳмуд»га ишонманг, янги китоблардан ҳам ўқиб туринг.

Алишер ака: — Менга китобни биров олиб келиб бермаган ҳеч қачон. Ўзим оламан, сизга ўқшаб шаҳарма-шаҳар, чўлма-чўл юриб, «Отамдан қолган дала»лар, демайман.

Исмоил ака: — Мен у ерларга китоб олиш учун эмас, дала миришкорларига ҳормангга ошиқаман.

Алишер ака: — Менга китобни биров олиб келиб бермаган ҳеч қачон. Ўзим оламан, сизга ўқшаб шаҳарма-шаҳар, чўлма-чўл юриб, «Отамдан қолган дала»лар, демайман.

КУТЛОВ

ЖАҲОНИЙ КАСБ СУРУРИ

Ажабо, кун кечагидек ёрдамда. XI синфини тугатганимиз, имтиҳонларга барча синфдошлар биргаликда тайёрланганимиз. Торттиб-талашиб савол-жавоблар орқали билимимизни намойиш этганимиз...

Ҳа, Ниёзова десангиз, Нурота тумани Ғозгон кўрғонидоги аҳоли «баракка топсин, шундай болажон муаллимлар кўпайсин, бола-чақаларининг ҳузурини кўрсин», — деб алқайдилар. Н. Ниёзованинг Тошкентдаги Низомий номидаги педагогика институтининг бошланғич таълим методикаси бўлимини тугатиб, иш бошлаганига ҳам бир неча ўн йиллар бўлди.

Хуллас, синфдошлар Н. Ниёзова 50 ёшга тўлибди. Муаллимликни жаҳоний касб деб биладиган болажон қалбли бу инсонга эзгу тилакларининг амалга оширилиши тилаб қоламиз.

Эркин АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқ таълими сўлоҳчиси


БИЛАСИЗМИ?

ИРСИЯТГА БОҒЛИҚ

Хўсн инсон табиатида катта роль ўйнайди. Ташки кўринишдаги баъзи бир ҳолатлар инсон таъбини хира қилиши табиий. Кўпчилик юз терисиде бўладиган сепкилдан азият чекилади. Ундан қутилишнинг йўлини қидиради. Хўсн, сепкил ўзи нима? Нега айрим кишилардагина учрайди?

Кўпгина хайвонлар, масалан, илон, калтакесак, баликларнинг айрим турлари ташки вазиятга қараб ўз рангини, тусини ўзгартиришини биламиз. Улар рангининг бундай ўзгариши тери таркибидоги муҳим пигмент — меланин орқали амалга оширилади. Меланиннинг тери таркибиде миқдорий ўзгариши улар рангининг тусланшини таъминлайди. Инсон териси таркибиде ҳам ушбу пигмент мавжуд. Кези келганда шунга айтиш жоизки, одамнинг ирқларга мансублиги ҳам мана шу мезолада боғлиқ бўлади. Меланин тери куйи қатлам бўйлаб ёйилган «меланоцитлар» деб аталувчи махсус хужайраларнинг бутун бир тармоғини ишлаб чиқаради. Сепкил мана шу меланоцит хужайраларининг тўпланишидир. Шунинг учун ҳам сепкил жигаранг, меланин пигменти рангиде бўлади. Сепкилнинг айрим кишилардагина учрашини эса мутахассислар ирсиятга бориб тақайди. Меланин пигменти ранги бошқаришдан ташқари инсонни ўта кучли нуралинишнинг таъсиридан ҳам ҳимоя қилади.

Абдулла ТОЛИПОВ



Абдурашул ҲАКИМОВ чизган расм